

10-МОДУЛЬ. ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ, ТАКРОРИЙ САЙЛОВ

1.1. Илова

Такрорлаш учун саволлар:

1. Такрорий овоз бериш деганда нимани тушунаси?
2. Такрорий овоз беришни ўтказишга нима асос бўлади?
3. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш кимнинг ваколатига киради?
4. Такрорий овоз бериш ўтказиш муддати қандай?
5. Такрорий овоз бериш ўтказилганидан кейин ким сайланган деб ҳисобланади?
6. Такрорий сайлов қандай ҳолларда ўтказилади?
7. Такрорий сайлов қандай тартибда ва кимлар томонидан ўтказилади?
8. Такрорий овоз бериш билан такрорий сайловни фарқи нимада?

1.2. Илова

Тестлар:

1. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайловни ўтказишни ташкил этиш қайси комиссиянинг ваколатига киради?

- A) Марказий сайлов комиссияси.
- B) Участка сайлов комиссияси.
- C) Округ сайлов комиссияси.
- D) Округ ва участка сайлов комиссиялари.

2. Такрорий овоз бериш қандай ҳолларда ўтказилади?

A) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида икки нафардан ортиқ номзод иштирок этаётган бўлса ва агар улардан ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилардан ярмидан кўпининг овозини олмаган бўлса

B) Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича

C) сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса

D) A ва B жавоблар тўғри

3. Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар бўйича такрорий овоз бериш қайси муддатда ўтказилади?

A) Такрорий овоз бериш куни асосий сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида.

B) Такрорий овоз бериш куни асосий сайлов ўтказилган кундан эътиборан қирқ кун ичида.

C) Такрорий овоз бериш асосий сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказилади.

D) такрорий овоз бериш Сайлов кодекси талабларига риоя этилган ҳолда икки ҳафталик муддатда ўтказилади

4. Такрорий овоз беришда ким сайланган деб ҳисобланади?

- A) Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод.
B) Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг эллик фоизидан ортиқ овозини олган.
C) Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг эллик + бир фоизидан ортиқ овозини олган.
D) A ва C.

5. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши неча фоиз бўлиши керак?

- A) 33 фоиз.
B) 70 фоиз.
C) Фоизи ҳисобга олинмайди.
D) 55 фоиз.

6. Такрорий сайлов қандай ҳолларда ўтказилади?

- A) агар сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса.
B) агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса.
C) агар сайлов округи бўйича кўпи билан икки номзод қўйилган бўлса ва улардан ҳеч бири сайланмаган бўлса.
D) A, B ва C.

7. Такрорий сайлов ким томонидан ўтказилади?

- A) Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.
B) Тегишли сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.
C) Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.
D) Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси топшириғига биноан участка сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

8. Округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланганда такрорий сайлов ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор ким томонидан қабул қилинади?

- A) тегишли сайлов комиссияси такрорий сайлов бузилиш аниқланган округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин
B) тегишли сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин
C) марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
D) бузилиш аниқланган округ сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин

9. Такрорий сайловда овоз бериш қаерда ва қайси рўйхатлар асосида ўтказилади?

А) Овоз бериш янги тузилган сайлов участкаларида ва янги рўйхатлар асосида ўтказилади.

В) Овоз бериш янги тузилган сайлов участкаларида ва ўша рўйхат бўйича ўтказилади.

С) Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган ўша сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Д) Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган ўша сайлов участкаларида ва янги сайловчилар рўйхатлари бўйича ўтказилади.

10. Такрорий сайлов қайси муддатда ўтказилади?

А) Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида.

В) Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилган кундан эътиборан қирқ кун ичида.

С) Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказилади.

Д) А ва С

10.3. Илова

1-казус

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказишда округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши кузатувчи томонидан аниқланди. Бу ҳақда кузатувчи кимга мурожаат қилади? Бундай ҳолатда такрорий овоз бериш ўтказиладими ёки такрорий сайловми?

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-казус

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг такрорий сайловини ўтказиш асосий сайлов ўтказилганидан кейин кечи билан қирқ кун муддат ичида ўтказилиши тегишли комиссия топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилиши белгиланган. Шу тегишли комиссия томонидан берилган топшириқ тўғрими?

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

10.4. Илова

10.1. Иловадаги саволларга жавоблар:

1. Такрорий овоз бериш бу - Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш жараёни.

2. Сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлиб, улардан ҳеч бири сайланмаган бўлса такрорий овоз беришни ўтказишга асос бўлади.

3. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш округ сайлов комиссиясининг ваколатига киради.

4. Такрорий овоз бериш Сайлов кодексига риоя этилган ҳолда икки ҳафталик муддатда ўтказиш белгилаб қўйилган.

5. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

6. Қонунчилик палатаси депутатларининг ва маҳаллий Кенгашлар депутатларига сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда, такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаганда ҳамда сайлов округи бўйича кўпи билан икки номзод қўйилган бўлиб ва улардан ҳеч бири сайланмаган бўлса такрорий сайлов ўтказилади.

7. Қонунчилик палатаси депутатларининг ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг такрорий сайлови тегишли сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган ҳолларда, тегишли сайлов комиссиясининг қарори билан такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган ўша сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар Сайлов кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказилади, такрорий сайлов такрорий овоз бериш натижасида депутатни аниқлаш имконини бермаганда, сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда ҳамда сайлов округи бўйича кўпи билан икки номзод қўйилган бўлиб, улардан ҳеч бири сайланмаганда ўтказилади.